

Исм-насаби: Абу Мухаммад Халаф ибн Хишом ибн Саълаб ибн Халаф ибн Саълаб ибн Хошим ибн Саълаб ибн Довуд ибн Миксам ибн Голиб ал-Асадий ал-Баззор.

Таваллуди ва вафоти: Имом Халаф 150/767 санада Багдодда тугилган. Асли Ирокнинг Фамуссилх деган жойидан. 229/844 йили Жумодул-охир ойида, 79 ёшда вафот этган.

Манокиблари: Имом Халаф рахматуллохи алайх 10 ёшда Куръони Каримни тўла ёдлади, 13 ёшида илм талабига киришди. Имом Халаф илм йўлида химмати жуда баланд инсон эди. У кишининг ўзи: «Нахвдаги битта боб мен учун жумбок бўлиб колди. Саксон минг дирхам сарфлаб, ниҳоят уни билиб олдим», дейди. Имом Халаф зоҳид, ибодатгўй, ҳадис ривоятчида ишончли, эътиборли, етук олим, улуг инсон эди. Имом Доракутний у киши хақида: «Ибодатгўй, фазилатли киши эди», деган. Хусайн ибн Фаҳм: «Халаф ибн Хишомдан донорок инсонни кўрмаганман. У дарсни аввал аҳли Куръонлардан бошлар, кейин муҳаддисларга изн берар эди. Бизларга Абу Авонанинг ҳадисидан элликта ҳадис ўқиб берган эди», – дейди. Хабарларда келишича, Имом Халаф йил бўйи рўза тутар эди. «Сияр» соҳиби: «У имомдир. Куръонга амал килувчи, Аллоҳга итоатли, ҳадис ва фароизда билимдон, араб тилига олим, ҳадис илмида хофиздир». «Тарихи Багдод»да Абу Бакр ибн Хаммоддан нақл қилинади: «Халафга «Нега одамларни таҳқиқда (энг секин кироат суръатида) ўқитасан?», дейилди. Шунда у: «Меҳробларда ҳадрда (энг тез кироат суръатида) ўқийдиган бўлишлари учун», деди».

Абу Бакр ибн Хаммод айтади: «Мен Халафнинг шундай деганини эшитдим: «Куръонни бизнинг кўлимизда яланғоч қолган деб ўйлфман. Чунки биз ривоят қилган хабарда қелганки, Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Бақара сурасини ўн неча йилда ёдлаган. Уни ёд олиб бўлганида Аллоҳга шукрона сифатида бир туя сўйган. Бизнинг бу замонамизда эса бир бола олдимда ўтириб Куръоннинг учдан бирини бирорта харфини туширмай ўқиб берапти. Куръон бизнинг кўлимизда яланғоч қолган деб биламан».

Халаф рахматуллохи алайх айтади: «Сулайм ибн Йисога ўқиб бераётган эдим.

□□□□□□□□□□□□□□□□

тўшагида ,Халаф Эй» :Сўнгра .йиглади у қелганимда оятига □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ ухлаб ётгани холда фаришталар унинг учун мағфират сўраб турадиган мўмин Аллоҳнинг наздида қандай ҳам муқаррам-а?» деди».

Имом Халафнинг ровийларидан бири бўлмиш Идрис ибн Абдулқарим айтади: «Халаф ибн Хишом таъвилга (ханафийларнинг фатвосига) асосланиб набиз (хурмо шарбати) ичар эди. Жияни бир қуни унга Анфол сурасини ўқиб бераётиб «... Аллоҳ таоло покдан нопокни ажратиши учун...» оятига қелганда: «Эй тоға, Аллоҳ покни нопокдан ажратган пайтда набиз қайси тарафда бўлади?» деб сўради. У бошини эққанича узок туриб қолди-да, кейин: «Нопок билан», – деди. У: «Нопоклик аҳли билан бўлишга рози бўласизми?» деди. Шунда Халаф: «Эй ўғилчам, уйга бор-да, ундаги ҳамма набизни тўқиб ташла», – деди. Кейин набиз ичишни тарқ қилди ва ўрнига Аллоҳ таоло унга йил бўйи рўза тутишни насиб этди. У вафот этгунча доимий рўза тутди». Имом Халафнинг ўзи бу ҳақда: «Қирк йиллик намозимни қайта ўқидим. Чунки кўфалиқларнинг мазҳабига биноан набиз ичар эдим», – деган.

Имом Халаф Куръон кироатини ўрганиш мақсадида ўн етти ёшида Кўфага боради. Абул Аббос Иброҳим ибн Халаф шундай хикоя қилади: «Халаф ибн Хишомнинг бундай деганини эшитдим: «Кўфага қелиб, Сулайм ибн Йисонинг олдига бордим. У: «Бу ерга сени нима қелтирди?» – деди. Абу Бакр ибн Айёшга Осимнинг харфида (кироатида) ўқиб

бермокчиман», – дедим. У ўглини чакириб, парча когозга Ибн Айёшга нимадир ёзиб мен билан жўнатди. Нима деб ёзганини билмадим. Абу Бакрнинг уйига бордик. Сулаймнинг ўгли мен учун унинг олдига киришга изн сўради. Кириб, унга когозни тутди. Уни ўкиб бўлгач: «Бу одамни киргизинг», – деди. Кириб, унга салом бердим. У нигоҳини кўтариб бир каради-да: «Халаф сенмисан?» – деди. Мен: «Ха», – дедим. «Багдодда ўзингдан корирок одам колдирмадингми?» – деди. Мен индамадим. Шунда у менга: «Ўтир, кел, ўки-чи?» – деди. «Сизгами?» – дедим. «Ха», – деди. Мен: «Ла илаха иллаллох! Куръон хомилларидан бўлган бир кишини паст санайдиган одамга мен ўкиб бермайман», дедим ва уни ташлаб чикиб кетдим. Кейин у Сулаймга одам юбориб, мени кайтаришни сўраган эди, кайтмадим. Аммо сўнг пушаймон бўлдим. Хожатим тушиб, Осим кироатини Яхё ибн Одамдан Абу Бакр ривояти билан ёзиб олдим».

Яхё ал-Фаххом айтади: «Халаф ибн Хишомни (вафотидан сўнг) тушимда кўрдим. «Аллох сенга нима муомала килди?» дедим. У: «У Зот мени магфират килди», – деди». Имом Муслим ўз «Сахиhi»да, имом Абу Довуд «Сунан»да хамда Ахмад ибн Ханбал, Абу Заръа ар-Розий, Ахмад ибн Абу Хайсама, Мухаммад ибн Иброхим ибн Абон ас-Саррож, Абу Яъло ал-Мавсилиий, Абул-косим ал-Багавий ва бошқалар хам ўз китобларида имом Халафдан хадис ривоят килганлар.

Устозлари: Имом Халаф имом Хамзанинг кироатини Сулайм ибн Ийсо оркали, Имом Осимнинг кироатини эса Абу Юсуф ал-Аъмаш оркали ривоят килган. Имом Нофеънинг кироатини Исхок ал-Мусайябийдан, Абу Бакрнинг кироатини Яхё ибн Одамдан олган. Шунингдек, имом Кисойдан хам у кишининг кироатларини эшитган, бироқ унга ўкиб бермаган, балки ундан Куръонни бошидан охиригача тинглаб, кироатини ўрганган. Имом Халаф рахматуллохи алайх хадис илмида хам етук олим бўлган. Имом Молик, Абу Авона, Хаммод ибн Зайд, Шарик, Хаммод ибн Яхё ал-Арбах каби катта олимлардан хадис тинглаган ва ривоят килган.

Шогирдлари: Жуда кўп кори ва олимлар кироатни Имом Халафдан арз ва самоъ йўли билан ривоят килганлар. Ахмад ибн Иброхим, Иброхим ибн Алий ал-Кассор, Ахмад ибн Язид ал-Хулвоний, Ахмад ибн Зухайр, Ахмад ибн Мухаммад ал-Буросий, Салам ибн Осим, Алий ибн Хусайн ибн Сулайм, Ибн Шанбузнинг шайхи Мухаммад ибн Ахмад, Мухаммад ибн Жахм, Мухаммад ибн Мухаллад ал-Ансорий шулар жумласидандир. Унинг кироатини кенг таркатган ровийлари Исхок ибн Иброхим ва Идрис ибн Абдулкаримдир.

Кироати: Ибн Ашта айтади: «Халаф Хамзанинг мазхабини олар эди, бироқ 120 ўринда унга хилоф килган». Имом Жазарий мазкур ўринларни диккат билан ўрганиб чиккач, имом Халафнинг ихтиёрлари нафакат кўфаликларнинг, балки Хамза, Кисой ва Шуъбанинг кироатларидан ташкарига чикмаганини таъкидлаган. Факатгина Анбиё сурасининг 95-оятини, уларга хилоф равишда, Хафс кироатида ўкиган.

Санади: Имом Халаф кироатни Сулайм ибн Ийсо ва Абдуррахмон ибн Хаммоддан, улар эса Хамзадан олган. Абу Юсуф ал-Аъмаш оркали имом Осимнинг кироатини ўрганган. Шунингдек, у Яъкуб ибн Халифа ал-Аъшо ва Абу Зайд Саъид ибн Авс ал-Ансорийдан таълим олган. Яъкуб кироатни Абу Бакрдан, Абу Зайд эса Муфаззал аз-Заббий ва Абон ал-Аттордан олган. Абу Бакр, Муфаззал ва Абон рахматуллохи алайхим эса имом Осимдан олишган.

«Сияр» сохиби айтади: «Унинг кироатдаги санади Алий ибн Абу Толиб ва Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхумо оркали Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга боғланади».

Халафнинг имом Хамза оркали боғланадиган санади куйидагича:

Хамзанинг устозлари Аъмаш ва Талха Куръонни Яхё ибн Вассобдан ўрганганлар. Яхё эса Алкама ибн Кайс, Асвад ибн Язид, Зирр ибн Хубайш, Зайд ибн Вахб ва Масрук ибн Аждаъларга ўкиб берган.

Хамзанинг яна бир устози Хумрон ибн Аъён эса Абу Асвад Дайламий, Убайд ибн Нузайл ва Мухаммад Бокирга ўкиб берган. Убайд ибн Нузайл ҳам Алкамага ўкиб берган.

Хамзанинг бошқа бир устози Абу Исхок эса Абдуррахмон Суламий, Зирр ибн Хубайш ва Осим ибн Замра, Хорис ибн Абдуллох Хамадонийларга ўкиб берган.

Шу тарика Хамзанинг кироати тобеинларга етиб келади. Мазкур тобеинлардан:

Алкама ибн Кайс, Асвад ибн Язид, Зайд ибн Вахб, Масрук, Абу Асвад, Осим ва Хорислар Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхуга ўкиб берган;

Абу Асвад Усмон розияллоху анхуга ҳам ўкиб берган;

Абдуррахмон Суламий, Зирр ибн Хубайш, Осим ва Хорислар Али розияллоху анхуга ҳам ўкиб беришган;

Хамзанинг колган иккита устозидан:

Ибн Абу Лайло Минхол ибн Амрга, Минхол Саъид ибн Жубайрга, у Ибн Аббос розияллоху анхумога, Ибн Аббос Убай ибн Каъб розияллоху анхуга ўкиб берган;

Жаъфар Содик ўз отаси Мухаммад Бокирга, у ўз отаси Зайнулобидинга, у отаси Хусайн ибн Али розияллоху анхуга ўкиб берган.

Ибн Масъуд, Усмон, Убай ва Али розияллоху анхум ушбу кироатни Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан олганлар.

Имом Халафнинг Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга имом Осим оркали боғланадиган санади куйидагича:

Имом Осим кироатни Абу Абдуррахмон ас-Суламий, Зирр ибн Хубайш ва Саъд ибн Илёлардан олган. Буларнинг учови ҳам Куръонни Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхудан ўрганган. Зирр ибн Хубайш ва Абу Абдуррахмонлар Али розияллоху анхуга ҳам Куръонни тўла ўкиб берганлар. Абу Абдуррахмон Суламий Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собит розияллоху анхумларга ҳам ўкиб берган. Усмон, Али, Убай ва Зайд розияллоху анхум бу кироатни Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан олганлар.

Машхур ровийлари:

- 1) Имом Исхок;
- 2) Имом Идрис.

Имом Исхок

Исм-насаби: Абу Яъқуб Исхок ибн Иброхим ибн Усмон ибн Абдуллох ал-Марвазий.

Манокиблари: Имом Исхок раҳматуллохи алайх имом Халафнинг ихтиёр килган кироатини ривоят килган бўлиб, у кишидан кейин ўринбосар бўлиб колган етук устоз хисобланади. У киши кироат илмини эгаллаш максодида Марвдан Бағдодга келган эди. Имом Исхок Валид ибн Муслимнинг кўлида ҳам ўқиган. У киши, имом Халафнинг кироатидан бошқани билмаса ҳам, кироатда мохир, мужаввид, мўътабар олим бўлган.

Вафоти: Имом Исхок раҳматуллохи алайх 286/899 йили вафот этган.

Имом Идрис

Исм-насаби: Абул-Хасан Идрис ибн Абдулкарим ал-Хаддод ал-Багдодий.

Манокиблари: Имом Идрис рахматуллохи алайх имом Халафнинг кироати ва ихтиёрини ривоят қилган. Шунингдек, Мухаммад ибн Хабиб ал-Ушмунийнинг кўлида ҳам ўқиган. Имом Идрис кироатда муткин, мужаввид, хадис бобида ишончли, етук олим эди. У киши хакида Доракутнийдан сўралганида: «У ишончли, ишончлидан ҳам бир поғона баланд», деган.

Вафоти: Имом Идрис рахматуллохи алайх 292/905 йили қурбонлик хайити куни 93 ёшда вафот этган.

Имом Халафнинг кироатдаги манхажидан намуна:

1. Хамза кироатидаги каби суранинг охирини кейинги суранинг бошига «басмала»сиз уланади.

2. Мунфасил ва муттасил мадлар тавассут қилинади.

,бўлса келган «фа» ёки «вав» олдин шаклидан майли буйрук феълнинг فَاف .3

«хамза»ни хазф қилиб, харакатини «син»га ўтказилади: فَاف فَاف فَاف

. فَاف فَاف فَاف , فَاف

Умуман олганда, Халафнинг кироати Хамза ва Кисойининг кироатидан деярли ташқарига чиқмайди. Факатгина «Анбиё» сурасининг 92-оятини имом Хафс кироатида ўқийди.